# АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ЁҚИЛҒИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

## Ш А Р Т Н О М А С И № 1

**Самарканд шахри** «05» I 2022 йил

**«BULUNGUR GAZ SERVIS» МЧЖ**, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи **Усманов А.Х.** номидан, бир томондан ва "Samarqand suv ta'minoti" MCHJ, кейинги ўринларда "Истемолчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи К.Ш. Юсупов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган автомобилларгаёкилғи куйиш шахобчаси (АЁҚШ) оркали ушбу шартномага асосан Истемолчига тегишли бўлган автотранспорт воситаларини ёкилғи билан таминлаш мажбуриятини олади, Истемолчи эса шартномада кўрсатилган муддатларда унга тегишли автотранспорт воситаларига қуйилган ёкилғи учун тўловларни амалга ошириши керак.

| № | Товар (махсулот) номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Бахоси | ККС | | Жами суммаси ККС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Ставкаси | Суммаси | |
| 1 | Сиқилган газ | | | | | 15% | | 30000000 |
| 2 | Суюлтирилган газ | | | | | 15% | | 30000 000 |
| | ЖАМИ: | | | | | | | |

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 60000 000 ( Олтмиш миллион ) сўмни ташкил этади.
2.2. Сотиб олинадиган ёкилғи учун олдиндан тулов микдори 15 % ни ташкил килади.
2.3. Тўлов шакли накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Шартномада кўрсатилган ёқилғини харид килиш бир неча боскичда ёки бир неча даврга тегишли бўлганда хар бир боскич ёки давр учун алохида хисобварак фактура расмийлаштирилиб юзага келган кариздорлик суммаси келаси ойнинг 15 сансигача тўлаб берилиши керак.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
3.1.1. Ёқилғи махсулотлари шартнома талабларига жавоб берадиган холатда Истемолчига автотранспорт васиталарига куйиб берилади.
3.1.2. Ёкилғи махсулотларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.
3.1.3. Сотувчи ёкилғи яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаганлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз ёкилғи махсулотни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.1.-бандига мувофик сифати лозим даражада бўлмаган ёкилғи пулини кайтариб беради.
3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик ёқилғига бўлган кафолат муддатларини такдим этади.
3.2. Истемолчининг мажбуриятлари:
3.2.1. Таркатиш варакасида расмийлаштирилган ёкилғи микдори ва сифатини шартномага муофиклигини текшириб олади.
3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган ёкилғи қуйилганлиги аникланган такдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги хакида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор килади.
3.2.3. Шартномада белгиланган микдорда, тартибда ва муддатда ёкилғи хаккини тўлаш.

## 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1 Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас кисми бўлиб хисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
4.2. Шартнома конунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг конунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошка холларда кайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ёкилғи билан таминлаш шартларини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлик коплайди ва куйидаги микдорда жарима тўлайди:
5.2. Ёкилғи билан таъминланмаганлик учун Сотувчи хар бир кечиктирилган кунига таъминлай олмаган ёқилғи кийматининг 0,5 % микдорида жарима тўлайди.
5.3. Агар куйилган ёкилғи сифати лозим даражада булмаган такдирда ёкилғи киймати, шунингдек сифатсиз ёқилғи топширганлик учун айбдор тараф ёкилғи кийматининг 20 % микдорида жарима тўлайди.
5.4. Ёкилғи хакини ўз вактида ёки тўлик тўламаганлик учун Истемолчи хар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % микдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортик булмаган микдорда пена тулайди.
5.5 Ёкилғи билан таминлаш муддатлари кечиктирилиб юборилган такдирда хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 % микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси таъминлаб берилмаган ёкилғи бахосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.
5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.
5.7. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида куйиб берилган ёкилғи махсулотлари нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк сотувчи берувчи томонидан копланади.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома **2021 йил «1» январдан 2022 йил «31» декабргача 2022 йил** амал килади.
6.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.
6.3. Шартнома муддатидан олдин куйидаги холларда бекор килиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофик;
- Ўз.Р. конунчилик хужжатларида назарда тутилган холларда.
- Форс-Мажор холатларида

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган такдирларида Ўз.Р. Фукаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида"ги конуни хамда бошка конун хужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
7.2. Тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида"ги конунга ва Фукаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида хал килинади
7.3. Келишмовчиликлар юзага келган такдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал килинади, келишиш имкони бўлмаганда Хўжалик судида хал килинади.

## 8.ФОРС – МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар,нокулай об-хаво шароити,хукумат тадбирлари, хокимият органларининг карорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошка табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажирилмаган ёки лозим даражада бажарилмагмнлиги исботланса жавобгар булмайди.
8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Узбекистон Республикаси "Хужалик юритувчи субьектлари фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисидаги" ги конуни ва Узбекистон Республикасининг бошка амалдаги конунлари талаблари буйича жавобгар булади.

## 9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.
9.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.
9.3 Мазкур ______________________ сумлик, №__-сонли шартнома «__» ________________2022 йил 2 нусхада тузилган шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарканд вилоят газначилик бошкармасида белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сўнг конуний кучга киради.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| «Сотувчи» | «Истемолчи» |
|---|---|
| "BULUNGUR GAZ SERVIS" МЧЖ | "Samarqand suv ta'minoti" MCHJ |
| 100054, Самаркандская област, Булунгур тумани | Samarqand sh. O'zbekiston 114a uy |
| Тел.: (99898) 985735569, | h/r 20208000300307743001 |
| Р/с: 20208000704661591001 | "Ipoteka Bank" AKIB Sam. filiali |
| банк: ОАТБ "Узсаноъаткурилишбанки" | MFO 00312 STIR: 200613125 |
| Шахар: Самарканд | OKED |
| МФО: 00317 | |
| ИНН: 300636806 | |
| Директор: ______________ Усманов А. | Директор ______________ Ш. Юсупов |
| М.П | |